Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 9 сентябрь пайшанба

Сотувда эркин нархда

№ 179 (2217)

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси Раиси Н.Комилов бошқарди. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказувчи округлар сайлов комиссияларини тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари даврида Олий Мажлис депутатлигига ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайлов кампаниясида қатнашувлари учун тенг шароитларни таъминлаш Марказий сайлов комиссияси ва оммавий ахборот воситалари олдидаги долзарб масалалардан ҳисобланади. Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловлар даврида Олий Мажлис депутатлигига ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайлов кампаниясида қатнашувчилар учун тенг шароитни таъминлаш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди.

(ЎзА)

# ҚИРҒИЗИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

## Қўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, Қирғизистон жанубидаги вазият танглигича қолмоқда

Жиноий тўдалар Қирғизистон ҳудудига дастлаб август ойининг бошида бостириб кирган эди. 20 кишидан сал ортиқ бўлган диверсиячи-террорчилар гуруҳи 5 кишини гаровга олиб, Ўзбекистон ҳудудига тўсиқсиз ўтиш имконини яратиб бериш ҳақида шарт қўйди.

Шу пайтдан бошлаб минтақадаги вазият тобора кескинлаша борди. Тожикистон ҳудудидан Ўш вилоятининг Боткент ва Чўн-Олой туманларига янги-янги диверсион террорчилар гуруҳи кириб кела бошлади.

Жиноятчилар диверсия-террорчилик фаолиятининг энг синалган усулларини қўлламоқда. Улар кўприклар, мактабларни портлатмоқда, маҳаллий аҳолига зўравонлик қилмоқда. Ўнлаб кишини гаровга олган. Гаровга олинганлар орасида Японияниннг 4 фуқароси, Қирғизистон Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар қўмондони бор.

Кейинги воқеалар ривожи таҳлили гап айрим диверсион, террорчилик ҳаракатлари устида эмас, экстремистик кучлар, бир қанча ислом давлатларининг минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқариш, Марказий Осиё давлатларига террорчилик ва диний экстремизмни олиб киришга қаратилган изчил, муайян мақсадга йўналтирилган бузғунчилик фаолиятида эканини кўрсатмоқда.

Қирғизистонда ўрнашиб олган жангарилар, улар ортида турган экстремистик кучлар, шу жумладан Афғонистон Ислом Давлати ва Тожикистон Республикасидаги ана шундай гуруҳлар ҳам, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасида ихтилоф келтириб чиқариш, Ўзбекистоннинг ўзида ҳамда Марказий Осиёдаги бошқа давлатларда диверсион-террорчилик ва бузғунчилик ишларини амалга ошириш учун таянч базалари, лагерлар, плацдармлар ташкил этиш мақсадида мувофиқлаштирилган босқинчилик ҳарбий хатти-ҳаракатларини уюштирмоқда.

Шу нарса аниқландики, жангариларнинг ҳаракат йўналишлари, уларнинг база ва лагерларининг жойи илгаридан, сўнгги 2-3 йил мобайнида белгилаб олина бошланган.

Жангариларнинг бузғунчилик фаолияти миқёсининг тобора кенгайиб бориши ҳам эътиборни тортади. Боткент туманига бостириб кирган жиноятчилар тўдаси дастлаб 21 кишидан иборат бўлган бўлса, бугунги кунга келиб, Боткент ва Чўн-Олой туманларида энг замонавий қуролларга эга, Афғонистон, Тожикистон ва Чеченистондаги турли террорчилик марказларида тайёргарлик кўрган жангариларнинг сони, турли маълумотларга қараганда, 400 дан 700 кишигача етади. Улар чиқиш қийин бўлган тоғли жойларга ўрнашиб олиб, Қирғизистон жанубидаги стратегик жиҳатдан муҳим аҳоли пунктларини (Зардоли, Кўрғон, Ҳожи Очган, Янги Довон ва бошқаларни) назорат қилиб турибди.

Қирғизистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган жиноятчи тўдалар таркибида Қирғизистонга Тожикистон Республикаси ҳудуди орқали ўтиб олган турли миллатга мансуб ёлланган шахслар: тожиклар, ўзбеклар, қирғизлар, покистонликлар, араблар, афғонлар жанг қилаётгани ҳақида ишончли далиллар бор.

Шундай қилиб, Тожикистон ва Қирғизистоннинг бир қанча мансабдор шахсларининг (Тожикистон Республикаси Президентининг Матбуот котиби З.Саидов, Қирғизистон Мудофаа вазирлиги Бош штаби бошлиғи Н.Чомоев ва бошқаларнинг) Боткентда "Ўзбекистон ислом ҳаракати" деб аталмиш ташкилот жангарилари жанг қилаётгани, уларнинг асосий мақсади диверсия ва террорчилик ҳаракатларини амалга ошириб, вазиятни издан чиқаришдан иборат экани ҳақидаги баёнотлари ҳақиқатга тўғри келмай қолди. Қирғизистон ҳамда бошқа бир қанча мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари бу фикрларга ёпишиб олиб, жамоатчиликка қирғизлар бошига ёпирилган барча "кулфат" мана шу "ўзбек муаммоси"дан келиб чиқмоқда, деган фикрни сингдиришга ҳаракат қилмоқда.

Аммо, бугун шу нарса равшан бўлдики, бандитизмнинг миллати йўқ, жангарилар гуруҳларининг кейинги "байналмилаллашуви" Тожикистонда ва Қирғизистон жанубида халқаро терроризм марказининг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин. Бу эса, минтақанинг барча давлатлари ва МДҲнинг бошқа давлатларига жиддий ва бевосита хавф туғдиради. Мазкур стратегиянинг ғоявий йўлбошчиларида шундай фикр туғилдики, Қирғизистоннинг амалда муҳофазасиз, чегара ёки бошқа ҳарбий қисмлар томонидан қўриқланмаётган Ўш ва Жалолобод вилоятлари улар учун ўзларининг узоққа мўлжалланган режаларини осонгина амалга ошириш, энг аввало, диний экстремизм, терроризм ва наркобизнесни ёйиш учун ниҳоятда қулай база бўлиши мумкин.

Қирғизистон ва Доғистондаги жангарилар гуруҳлари хатти-ҳаракатларининг тактикаси, шакли ва усулларини солиштириш, воқеаларнинг деярли бир пайтда бошланиши, уларнинг раҳнамоларининг ғоявий қарашлари бир хил экани ва бошқа кўплаб объектив омиллар экстремистик кучларнинг МДҲ ҳудудининг турли минтақаларида, энг аввало, Шимолий Кавказ ва Марказий Осиёда кенг кўламли, мувофиқлаштирилган "ҳужуми"дан далолат беради.

Олинаётган маълумотлардан кўриндики, "Боткент муаммоси" сурункали шакл касб этмоқда ва унинг оқибатларини олдиндан аниқ айтиш қийин.

Юзага келган шароитда шу нарса аён бўлдики, Қирғизистон раҳбарлари радикал ислом гуруҳлари туғдираётган хавф-хатарга етарлича баҳо бермаган ҳамда жангариларнинг босқинчилигига муносиб жавоб қайтаролмаган. Қирғизистон раҳбариятининг диний экстремистик оқимлар хавфи ҳақидаги мавҳум баёнотлари ҳам шундан далолат беради.

Ҳукуматнинг тегишли чора-тадбирларни амалга оширмаётгани ва Қирғизистон ҳарбий тузилмаларининг жангариларни йўқ қилиш борасида аниқ режа ишлаб чиқиб, уни муваффақиятли амалга оширишга қодир эмаслиги республикада кенг жамоатчиликни ташвишлантирмоқда. Қирғизистон жамоатчилиги ҳукумат раҳбарларидан мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги, хавфсизлиги ва барқарорлигига тажовуз қилган террорчилик ҳаракати туғдираётган хавфга қарши кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўришни талаб этмоқда. Бу ҳақда жамоатчиликнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари ҳам гувоҳлик бермоқда. Хусусан, депутатлар Марказий Осиё давлатлари ҳамда Россиянинг куч ва имкониятларини бирлаштириб, минтақадаги аҳоли хавфсизлиги ва тинчлигига таҳдид солаётган кучларга зарба бериш лозим деган фикрда.

Шуни қайд этиш лозимки, Қирғизистон жанубидаги танг ҳолатнинг вужудга келиши Тожикистонда кечаётган жараёнларнинг бевосита оқибатидир.

И.Раҳмонов бошчилигидаги ҳукумат томонидан ички вазиятни барқарорлаштириш, мамлакатни танг ҳолатдан олиб чиқиш борасида кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, Тожикистондаги ҳолат ҳам тобора кескинлашмоқда. Ихтилофлар, турли гуруҳлар ўртасидаги қуролли тўқнашувлар кучаймоқда, жиноятчилик авж олмоқда.

Вужудга келган вазиятнинг асосий сабабларидан бири — мухолифат қуролли кучларининг Тожикистон ҳарбий кучларига келиб қўшилиши жараёнининг тўлиқ тугалланмаганидадир. Бирлашган тожик мухолифати раҳбарияти жаҳон жамоатчилигига ўз ҳарбий бўлинмаларининг тарқатиб юборилгани тўғрисида баёнот берган бўлса-да, аслида ислом мухолифати Тожикистон Республикаси қуролли кучлари сафига фақат бир қисм жангариларини қўшган, улар ўз гуруҳларининг ихтиёрий равишда тўлиқ қуролсизланишини амалга оширмоқчи эмас.

Мавжуд маълумотларга кўра, бирлашган тожик мухолифатининг таниқли вакиллари ва ҳарбий командирлари, жумладан, Саид Абдулло Нурийнинг ўзи, республиканинг ҳукумат назоратидан холи жойларида, жумладан, Тавилдара, Жирғитол туманларида ва умуман Гарм ва Қоратегин ҳудудида жойлашган ўзларига қарашли қуролли гуруҳларни дахлсиз сақлаб қолган. Ушбу бўлинмалар Душанбе расмий ҳукуматининг барча тақиқларига қарамасдан, доим жанговар ҳолатда турадилар, озиқ-овқат ва бошқа моддий заҳиралар билан таъминланади.

Бирлашган тожик мухолифати Тожикистоннинг қонуний ҳукуматига қарши курашда иштирок этган ўзбекистонлик экстремистлар, жангарилар гуруҳларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда давом этмоқда. Ҳукуматнинг мазкур экстремистик гуруҳларни қуролсизлантириш ва уларни Ўзбекистонга топширишга йўналтирилган ҳар қандай уриниши бирлашган тожик мухолифатининг қатъий қаршилигига учрамоқда. Бундай хатти-ҳаракатлар нафақат Тожикистон Республикасидаги қуролли зиддиятнинг янги босқичини бошлаб бериши, балки минтақадаги вазиятни издан чиқариб юбориши мумкин. Қирғизистон жанубидаги воқеалар бунинг яққол далилидир.

Ҳозирги пайтда Қирғизистонда жанг қилаётган жиноятчи гуруҳларнинг кўпчилиги бирлашган тожик мухолифати томонидан тайёрланган. Ушбу отрядлар фаолияти Қирғизистон билан чегарадош Жирғитол, Ҳайит аҳоли пунктларидан туриб бошқарилмоқда. Улар бирлашган тожик мухолифати назорати остидаги ҳудуддан қурол-яроғ ва ўқ-дори билан таъминланмоқда.

Диверсион-террорчилик тўдалари ортида афғонистонлик ҳомийлар ҳам турибди. Бирлашган тожик мухолифати етакчилари, жиноятчи тўдалар раҳбарлари "Толибон" ҳаракати билан ҳам мустаҳкам алоқада экани ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон ҳукумати юзага келган вазиятда чегаралар хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш бўйича кескин чора-тадбирлар кўрмоқда. Ўзбекистон қуролли жиноий тўдалар ҳужумига қарши курашда Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ташаббуси билан чиққан эди. Шу йилнинг 28 августида, босқинчилик энг авжига чиққан пайтда Ўш шаҳрида минтақа давлатларининг ташқи ишлар ва ҳарбий вазирларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш якунлари бўйича ҳарбий муассасаларнинг жиноий тўдаларга қарши самарали кураш олиб бориши бўйича саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш механизмлари белгилаб олинди, Қирғизистон Мудофаа вазирлиги ҳузурида бирлашган оператив гуруҳ ташкил этилди. Бу гуруҳга Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Тожикистон вакиллари билан бир қаторда, Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг катта офицерлари ҳам киритилган.

Марказий Осиё минтақасида экстремизм ва терроризмга қарши биргаликдаги кураш, Қирғизистон жанубидаги муаммони ҳал қилиш масалалари мамлакатимизга ташриф буюрган Россия мудофаа министри И.Сергеев билан мулоқот пайтида муҳокама қилинди.

Қирғизистон томонининг илтимосига кўра, Ўзбекистон Ҳарбий ҳаво кучлари жангарилар тўпланган жойлар, стратегик коммуникацияларга муваффақиятли зарбалар берди. Бу зарбалар босқинчилик ёйилиб кетишининг олдини олишда самарали омил бўлди.

Ўзбекистонда давлат чегарасини ҳимоя қилиш тизимини кучайтиришга доир чоралар кўрилмоқда. Мамлакат Қуролли кучларининг қисм ва бўлинмалари, ҳарбий тузилмалари диверсион-террористик гуруҳлар содир этиши мумкин бўлган ҳужумга қарши зарба беришга шай ҳолда турибди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов қайта-қайта таъкидлаганидек, Қирғизистон жанубидаги ҳарбий ҳаракатлар шунчаки терроризм ёки босқинчилик эмас. Бу — Марказий Осиё минтақасида кечаётган мураккаб жараёнларнинг натижасидир. Бу — халқаро экстремистик кучлар томонидан пухта ўйланган, Марказий Осиё давлатларида террорчилик ва босқинчилик йўли билан конституцион тузумни ўзгартириш, дунёвий демократик давлат қуришга йўналтирилган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислоҳотларни издан чиқаришга йўналтирилган катта стратегиянинг бир бўғинидир.

Ўзбек халқининг: "Қўшнинг тинч — сен тинч", деган мақоли бор. Ўзбекистон халқи ҳам хурсандчилик, ҳам синов дамларида ҳар доим Қирғизистоннинг матонатли халқи билан бирга бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Жиноятчи тўдалар буни унутмаслиги лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти бундан бир йил муқаддам Ватанимизнинг мустақил ва жанговар чегара қўшинларини тузиш ва Ўзбекистон чегаралари қўриқланишини кучайтириш чора-тадбирларига доир қарор қабул қилгани тўғри бўлганлигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Хавфсизликни, мамлакат суверенитетини, мустақиллик ютуқларини ҳимоя қилиш — давлатнинггина эмас, ҳар бир фуқаро, ҳар бир ватанпарварнинг масъул бурчидир.



**Яқин кунлар ичида пойтахтимиз кўчаларида «Мерседес-Бенц Турк А. Ш.» русумли янги автобуслар қатнай бошлайди. «ДаймлерКрейслер» концернига қарашли Туркия автомобилсозлик компанияси ишлаб чиқарган ана шу автобуслар тақдимоти маросими «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида бўлиб ўтди.**

# ТОШКЕНТ КЎЧАЛАРИДА ЯНГИ «МЕРСЕДЕС»ЛАР

Концернимизни Ўзбекистон билан нафақат манфаатли иқтисодий ҳамкорлик алоқалари, балки ўзбекистонлик мижозларимиз билан ўзаро ишончга асосланган алоҳида яқин муносабатлар ҳам узвий боғлаб туради, деди «ДаймлерКрейслар»нинг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари Ульрих Фишер тантанали тадбирда сўз олиб.

У. Фишернинг айтишича, Германиядан қарийб 300 та автобус ҳамда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси учун учта аэробус етказиб берилганлигининг ўзиёқ ҳамкорлигимизга ёрқин мисол бўла олади. Шунингдек, биз мамлакатингизда кечаётган иқтисодий жараёнлар билан бир қаторда, ижтимоий-маданий дастурларда ҳам фаол иштирок этишга интиляпмиз, таъкидлади У. Фишер. Хусусан, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ҳомийларидан бири сифатида маданий тадбирлар ўтказишда яқиндан кўмаклашмоқдамиз.

***Бизнинг маълумот:***

***«Мерседес-Бенц турк А.Ш.» 1967 йилда ташкил қилинган бўлиб, компаниянинг автобуслар, юк машиналари, микроавтобуслар ва енгил автомобиллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган учта заводи бор. Компания ўз маҳсулотларини дунёнинг 50 дан зиёд мамлакатига, жумладан, Ғарбий Европа, МДҲ, Яқин Шарқ ва Африка мамлакатларига экспорт қилади. Корхонанинг 32 йиллик фаолияти мобайнидаги умумий савдо ҳажми 30500 та автобус, 31000 та юк машинаси, 1000 та микроавтобус ва 9000 та енгил автомобилни ташкил этади.***

**«Туркистон-пресс».**

# МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — БЕБАҲО БОЙЛИК

Тинч-тотув яшаш, яхши қўшничилик муносабатларини қадрлаш халқимизнинг қадим-қадимдан қон-қонига сингиб кетган. Бугунги кунда мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари туфайли азалий қадриятларимиз янада теран маъно касб этяпти. Бундан кўпмиллатли Ўзбекистоннинг барча фуқаролари тенг баҳраманд бўлмоқда.

Сирдарё туманининг Қамаристон маҳалласида кўплаб тожик миллатига мансуб фуқаролар ҳам истиқомат қилишади. Улар миллатлараро тотувлик, турмуш фаровонлиги ортиб бораётганлигидан ўз миннатдорликларини изҳор этиб, юртбошимиз номига мактуб йўллаган эдилар.

Куни кеча маҳаллада Президентимиздан жавоб мактуби олинганига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари юритаётган доно ички ва ташқи сиёсатни тўла қўллаб-қувватлаб, тинчлик ва тотувликни янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшажакларини изҳор этдилар.

Вилоят ҳокими Ў.Исмоилов маҳалла фаолларига, меҳнат фахрийларига Президент совғаларини топширди.

**А. ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг*

*Қ А Р О Р И*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

*«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 15-моддаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси*

***Қ А Р О Р  Қ И Л А Д И***

*Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 та округ сайлов комиссиялари қуйидаги таркибда тузилсин:*

### 1 — Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси

**Комиссия раиси:**

Жалилов Шухрат Илҳомович — Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси

**Раис ўринбосари:**

Асамов Шкурат Ҳуснутдинович — Очиқ турдаги «Ёшлик фабрикаси» акционерлик жамияти бошқаруви раиси

**Комиссия котиби:**

Собиров Абдуманноп Ғаппарович — Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бош мутахассиси

**Комиссия аъзолари:**

Атаджанов Мухаммадкарим Расулович — «Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акционерлик жамияти касаба уюшмаси қўмитасининг раиси

Бўрихўжаева Сурайёхон Матлабхўжаевна — Тошкент Давлат Медицина институти бўлимининг мудираси

Вавилова Валентина Варфоломеевна — «Иргидромаш» заводи бош юристи

Матвеев Александр Алексеевич — «Новатор» ишлаб чиқариш корхонаси директорининг ўринбосари

Соатов Акбар Холматович — Акмал Икромов тумани 251-мактаб ўқитувчиси

Умаров Холхўжа Мукаррамович — «Тошуйжойинвестқурилиш» молия-қурилиш корпорацияси 42-қурилиш бошқармаси бригада бошлиғи

Ўтамурадов Акбар Ўтамурадович — М. Улуғбек номли Тошкент Давлат университети фалсафа факультети декани

Ҳакимов Қўчқор — Тошкент тепловоз депоси цех касаба қўмитасининг раиси

### 2 — Андижон округ сайлов комиссияси

**Комиссия раиси:**

Мирзаев Тўхтан Юлбарсович — Вилоят касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари

**Раис ўринбосари:**

Мукаррамов Омаджон — Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг раиси

**Комиссия котиби:**

Мамадалиев Баҳодиржон — Вилоят адлия бошқармаси етакчи мутахассиси

**Комиссия аъзолари:**

Абдуллаева Гўзал Мирзажоновна — Андижон шаҳар 2-мактаб ўқитувчиси

Абдусатторов Абдумуталиб Монасович — Хўжаобод тумани марказий касалхонаси врачи

Ахунова Муқаддамхон Мамадалиевна — Андижон шаҳар 3-маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Коробейникова Надежда Станиславовна — «Андижонтелеком» акционерлик жамияти инженери

**(Давоми 3-бетда).**

# ТАЖОВУЗКОРЛАР ЖИЛОВЛАНИШИ КЕРАК

Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, ақидапарастлик каби офатнинг на миллати бор ва на юрти-эли. Доғистондаги ва Қирғизистондаги воқеаларнинг, назаримда, илдизи бир. Булар шунчаки оддий террорчилар эмас. Ўйлашимча, мамлакатимиздан четда қайсидир бир юртда бу нопок ишлар бошқарилмоқда, пул билан таъминланмоқда. Акс ҳолда тажовузкорлар энг замонавий қуроллар, алоқа воситалари ва бошқа анжомлар билан таъминланган бўлмасдилар. Яна шу нарса аёнки, улар яхши тайёргарлик кўришган, ўқитилган ва ўргатилган. Бўлаётган тўқнашувларда бу яққол кўзга ташланиб қолмоқда.

Мени яна бир масала ҳайратга солаяпти. Айтайлик, бирор бир давлатда қайси бир кимса қонунсиз қамалса, жаҳон бўйлаб аюҳаннос соладиган «Озодлик», «Би-Би-Си», «Америка овози» ва бошқа «овоз»лар тинчликка, эркин тараққиётга, одамларга катта хавф солиши мумкин бўлган бу ҳеч бир қонунга тўғри келмайдиган тажовузкорликка қарши тегишли давлатларнинг зарур чоралар кўришга даъват этмаётирлар. Эшитиб бораяпман уларни, жангарилар кўпроқ қайси миллатга мансуб эканлигига урғу бермоқдалар. Наҳот террорчиликнинг миллати бўлса? Лекин бу ҳаракатларнинг келгусида минтақадаги давлатларга, қолаверса, бутун маданий дунёга солаётган хавф-хатари, унинг жуда хунук оқибатлари ҳақида негадир жим улар. Нега жаҳон ҳамжамиятидаги давлатлар бу воқеаларга ўз муносабатларини билдирмаяптилар? Диний экстремизм тарқалиб кетса, бу оловни ўчириш кейинчалик жуда машаққатли бўлади-ку. Нима учун, нега Европа хотиржам, нега Америка қитъаси сукутда? Шунисига ҳайрон қолаяпти, киши.

Назаримда, тегишли давлатлар бу хавфга қарши тезроқ умумий тил топмоқларини, зудлик билан тадбирлар кўриб, босқинчиларни қувиб чиқариш ва йўқотиш учун зарур бўлган барча чораларни кўрмоқликни қалтис вазият қатъий талаб қилмоқда.

**Исмоил СУЛАЙМОНОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

# КАТТА ФИТНАНИНГ БИР ХАЛҚАСИ

Мен бир нарсага ажабланаман. Бир гуруҳ жангари бемалол бир давлат чегарасини бузиб ўтиб, иккинчи давлатга ўтса, қишлоқларни эгалласа, кўнглига келган номаъқулчиликни қилса... Аммо жазосини топмаса. Бу нима деган гап? Нега шу пайтгача Қирғизистонда уларга қарши бирор қатъий чора кўрилмаётир? Ахир бу жангарилар халқаро экстремистларнинг, катта фитначиларнинг, ашаддий террорчиларнинг вакиллари-ку. Улар бутун Марказий Осиёдаги тинчликка, осойишталикка хавф туғдираётганини унутмаслик керак. Жангариларнинг орқасида турганлар, гиж-гижлаб, қўлтиғига сув пуркаётганлар қабиҳ ниятларига эришиш учун ҳеч нарсадан тап тортмайдилар.

Қайдадир бирон бир хорижий давлат фуқароси гаровга олинса, озмунча шов-шув кўтарилармиди? Нега бу сафар тўрт япон фуқароси ушлаб турилганига қарамай кўплаб оммавий ахборот воситалари сукут сақламоқда? Ёки айримлар бу воқеаларга бир ёқлама ёндашаётирлар? Нега? Шуларнинг ўзи ҳам Ўш вилоятининг Боткент туманига жангариларнинг бостириб кириши тасодифий эмаслигини, унинг режали ва узоқ тайёргарликдан сўнггина амалга оширилганини исботлайди. Зинҳор-базинҳор унутмаслик кераккки, экстремистларнинг миллати бўлмайди. Бу сафар ҳам бу «ўзбекларнинг иши» дейиш чалғитиш холос. Кўзни каттароқ очиш, масалага холис, одил баҳо бериш керак. Шунда жангарилар кимлар, уларни кимлар ёллагани, мақсади нималиги дарҳол аён бўлади қўяди.

Мен бу гапларни нима учун айтаяпман? Халқимиз тинч, осуда ҳаёт кечирмоқда. Яқиндагина ғалламизни саранжомлаб олдик. Омборларимиз донга тўлди. Энди пахтамизни йиғиштириб олишга киришдик. Биз ўз ишимиз билан бандмиз. Мақсадимиз юртимизни обод қилиш. Шундай саъй-ҳаракатимиз туфайли Ватанимиз кундан-кунга обод бўлиб бораяпти. Бу эса душманларимизга ёқмаяпти. Улар ҳасад ўтида ёниб, турли йўллар билан бизга халақит бермоқчи бўлаётирлар. Аммо биз бунга йўл қўймаймиз. Мамлакатимизнинг бунга қудрати етади. Карвон ўтади, итлар ҳуради. Бу табиий. Бироқ огоҳлик, ҳушёрлик яна бир карра ҳушёрликни йўқотмаслигимиз керак.

**Ҳайитмурод ФАРМОНОВ,**
**меҳнат фахрийси,**
**Қашқадарё вилояти.**

ВО АЖАБ!

# СОХТА «ИМТИЁЗЧИ»ЛАР

***Давлат томонидан бериладиган имтиёзлардан ноқонуний йўл билан фойдаланадиганлар қаторига шифокорлар, ўсиб келаётган авлод қалбига ҳалоллик, яхшилик, боқий қадриятлар уруғини экишга даъват этилган болалар боғчаларининг мураббийлари, ўқитувчилар ҳам кириб қолади, деб кимнинг ҳам хаёлига келибди. Бироқ далиллар ўжар нарса ва улардан қочиб қутулиб бўлмайди.***

Эҳтимол, Наманган вилоятининг Чуст туманидаги 19-ўрта мактаб ўқитувчиси Т. Бозоров ўз ўқувчилари олдида давлатимиз ўтказиб келаётган кучли ижтимоий сиёсат тўғрисида сўзлагандир. Ва балким, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатимизда 1,8 миллион оила мустаҳкам ижтимоий ҳимоя билан таъминлангани ҳамда шу мақсадда фақат жорий йилнинг биринчи ярмидаёқ давлат бюджетидан 19 миллиард сўм ажратилганини ҳам бунинг далиллари сифатида келтирган бўлиши мумкин. Муайян қийинчиликлар билан кечаётган ҳозирги шароитда давлатимиз мамлакат келажаги бўлган янги авлодни тарбиялаб етиштираётган ўқитувчилар, тарбиячилар ва тиббиёт заҳматкашларини ҳам унутмай, уларга айрим имтиёзлар бераётганлигини ҳам, ўз сўзларида таъкидлаган бўлса, ажаб эмас. Бироқ молиявий органлар томонидан ўтказилган текширувлар натижасида аён бўлдики, унинг ўзи ҳам рафиқаси — 57-сонли мактаб муаллимаси М. Абдураҳмонова билан биргаликда ўтган йил ва жорий йилнинг биринчи ярим йилида коммунал хизматлар учун имтиёз олишда инсоф чегарасидан чиқиб кетиб, 4,5 минг сўмни ортиқча ўзлаштириб юборишибди. Бунинг сабаби нима — паришонхотирликми, хотиранинг заифлигими ёки шунчаки ноинсофликми, айтиш қийин.

Урганч шаҳридаги мактабларнинг ўқитувчилари ва болалар боғчаларининг тарбиячиларидан 17 нафари бўлса, гарчи исм-шарифлари сув, газ ва электр энергиясидан фойдаланишдаги тўловлар бўйича имтиёзчилар рўйхатида учраса-да, бу имтиёзлардан... кўрсатилган манзилларида яшамай ва ишламай туриб, фойдаланиб келишган. Уларнинг кимлигини номма-ном тақдим этсак ҳам бўларди. Лекин келинг, фақат уларга тааллуқли рақамларнинг ўзини эслаб қўя қолайлик. Хуллас, бу шоввозлар ҳашарлашиб давлат бюджетидан ноқонуний ўзлаштирган маблағ 78,9 минг сўмни ташкил қилади.

Халқ таълими, соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасаларда коммунал хизматлар тўловлари юзасидан ноқонуний имтиёзлар олишга интилиш, афсуски, камёб ҳодиса эмас. Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармасининг бюджет интизоми сақланишини назорат қилиш бошқармаси мутахассислари томонидан жойларда ўтказилган текширувларнинг натижалари айнан шундан далолат беради. Ва бу ноқонуний хатти-ҳаракатлар ўша жойлардаги бюджет муассасаларида ўтирган, аслида давлат хазинасини кўз қорачиғидай асраб-авайлашга даъват этилган масъулиятли шахсларнинг эътиборсизлиги ва боқибеғамлигидан ҳам «баҳра» олади.

Афсуским, худди шундай бўляпти. Йўқса, ўқитувчилар ва шифокорлар учун давлат томонидан белгиланган имтиёзлардан бунга асос-ҳуқуқи бўлмаган кимсаларнинг фойдаланиб қолаётганига қандай йўл қўйилмоқда? Бунга Сурхондарё вилоятида айнан шу хусусда юз бераётган жиддий нохуш вазиятни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ерда беш туманнинг олтита бюджет ташкилотида 226 шахсга коммунал хизмат бўйича имтиёз тариқасида ноқонуний равишда 438,9 минг сўм маблағ тақдим этилган. Кимлар экан, дерсиз бу сохта имтиёз соҳиблари? Улар таълим муассасаларининг раҳбарлари, ҳисобчи ходимлари ва бошқалар, яъни асосий фаолиятга зинҳор алоқаси бўлмаган шахслардир.

Бундай молиявий бузилишларни республиканинг деярли барча минтақаларида учратиш мумкин. Пойтахт вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасаларида лаборантлар, кутубхоначилар, котиба-машинисткалар, хўжалик ишлари бўйича ходимлардан 109 нафарига электр энергиясидан фойдаланишлари учун тўловлар бўйича имтиёз сифатида 215,8 минг сўм, худди шу тоифадаги ходимлардан яна 93 кишига газдан фойдаланганликлари учун 177,4 минг сўм имтиёз пули берилган.

Пойтахтнинг ўзида эса бу борада бошқачароқ йўл танланган. Яъни тарбиячининг вазифаси кўрсатилиб, халқ таълими бўлимлари ва мактабгача тарбия муассасаларининг раҳбарлари томонидан берилган қалбаки маълумотнома (справка) имтиёзлар оламига эшик очадиган сеҳрли калитга айланган. Бу, айтарли мушкул бўлмаган усул пойтахтнинг Яккасарой туманидаги 420-болалар боғчасида «ҳаётга татбиқ» этилиб, оқибат-натижада 51,2 минг сўм миқдорида, шу туманнинг 358 ва 594-болалар боғчаларида маҳаллий бюджетга 67,9 минг сўм миқдорида зарар келтирилган. Шунингдек, Собир Раҳимов ва Мирзо Улуғбек туманларида ноқонуний ўзлаштирилган имтиёз пуллари 89,3 минг сўмни ташкил этади.

Умумий ҳисобда, сохта имтиёзларнинг давлатга келтирган зарари 2 миллион 300 минг сўмга тушди. Бу, кўриниб турибдики, анча салмоқли рақам!

Коммунал хизмат тўловларига имтиёзни қўллашда йўл қўйилаётган бузилишнинг кенг тарқалган яна бир шакли — бундай имтиёзга муносиб шахс ҳам асосий иш жойидан, ҳам қўшимча иш жойидан бирваракайига тавсия этилаётганидир. Бу борада, айниқса, Сирдарё вилоятидаги Янгиер шаҳар халқ таълими бўлими «улоқ»ни олиб кетаяпти. Мазкур муассаса 14 нафар ўқитувчига бира-тўла асосий ва қўшимча иш жойларидан келтирилган уларнинг тавсияномалари асосида 75,4 минг сўм миқдордаги давлат маблағини имтиёз тариқасида, шоҳона мурувват билан эҳсон қилиб юборган. Худди шу усулда Самарқанд вилоятининг Боғишамол туманида ҳам маҳаллий бюджетга 72,5 минг сўм миқдорида зарар келтирилган.

Коммунал хизмат тўловлари бўйича лимитда белгиланганидан ошиқча равишда ва, пировардида, бюджетдан смета ажратмалари меъёрини назар-писанд қилмай имтиёз олаётганлар сони, шунингдек, штат бирлигини 0,25, 0,5 ва 0,75 ставкалар тарзида улушларга майдалаб тақсимлаш эвазига ҳам кўпайтирилмоқда.

Давлат ижтимоий таъминот муассасаси эмас ва муайян гуруҳларни ижтимоий ҳимоялаш бюджет бисотини хомталаш қилиш эвазига бўлмаслиги керак. Буни давлат ҳисобидан мурувват кўрсатишга қўли чаққон кимсалар яхши тушуниб олишлари шарт.

Жумладан, юқорида тилга олинган шакллардаги, ноқонуний белгиланган имтиёзлар бекор қилинди, ярим ставкаларда ишлаётган шахслар билан ҳам меҳнат шартномаларини тўхтатиш бўйича тегишли чоралар кўрилди. Бюджет интизомини бузиш билан боғлиқ ҳолатлар маъмурий қонунбузарликлар тоифасига киради ва Назорат-тафтиш бош бошқармасининг ҳуқуқий комиссиялари томонидан кўриб чиқилиб, исрофгарчилигу хўжасизликларга нисбатан тегишли чоралар, албатта, кўрилади.

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги матбуот хизмати.**





*Фарғона водийсини пойтахт билан боғловчи Тошкент-Ўш йўлининг маркази ҳисобланган Қамчиқ довонидан кунига тахминан 13-15 мингдан ортиқ транспорт воситалари ўтади. Бу серқатнов йўлда рўй бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар оқибатини бартараф этиш мақсадида Наманган вилоят ҳокимлиги тиббиёт бирлашмаси кунига 50 нафар йўловчига хизмат қиладиган Қамчиқ довонида жойлашган Разак қишлоғида қишлоқ врачлик пункти билан биргаликда травмотология бўлими очилди. Бу бўлимда кечаю кундуз навбатчилик ташкил қилинган бўлиб, малакали врачлар зарурат туғилган пайтда ҳайдовчи ва йўловчиларга тиббий ёрдам беришмоқда.*

**СУРАТЛАРДА:** шифохонанинг кўриниши; фельдшер Кўканбой Маматов.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## ҚЎШ СОВҒА

Истиқлолнинг саккиз йиллик байрами арафасида Пахтакор туманидаги А. Темур номли деҳқон-фермерлар уюшмаси меҳнаткашлари ҳам қўш совғага эга бўлишди. Хўжаликда бир йўла 50 нафар беморга хизмат кўрсатадиган замонавий типдаги қишлоқ врачлик пункти ишга туширилган бўлса, 346 нафар ўқувчига мўлжалланган Н. Бобоев номли 16-ўрта мактаб биноси тўлиқ қайта таъмирдан чиқарилди. Ушбу масканларда барча хоналар тоза ва озода, шинам қилиб безатилган. Шифо масканидаги беморларни тиббий кўрикдан ўтказадиган хоналарнинг барчасига хориждан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган. Илм масканида эса стол-стуллардан тортиб, ўқувчилар партаси-ю, синф тахтасигача ҳаммаси яп-янги. Айни пайтда мазкур зиё маскани юзлаб болаларни ўз бағрига олган бўлса, янги қишлоқ врачлик пункти ҳам хўжалик аҳли саломатлиги йўлида хизмат қила бошлади.

**Аҳмад ЭШҚУЛОВ.**


## ДИҚҚАТ !

- вилоят ҳокимликлари, ҳудудингиздаги коллеж, лицейларни замонавий компьютерлар билан таъминлаб, келажакда бошқа вилоятлар тараққиётидан устун турмоқчимисиз;

- жамоа, ширкат, корхона, ўрта ва кичик бизнес раҳбарлари, Сиз ҳисоб рақамингиздаги пулларингизни банкларга келмасдан, уйингиздан ёки идорангиздан туриб, республиканинг исталган жойига ўтказмоқчимисиз, яъни олтин вақтингизни ва неча юз литрлаб ёқилғини тежаб қолмоқчимисиз;

- узоқ туман марказидаги солиқ инспекциясига бормасдан туриб, солиқ янгиликлари ва ўз корхонангиз солиқлари тўғрисида хабардор бўлмоқчимисиз, марҳамат,

бизнинг компаниямиз компьютерларини сотиб олинг.

ТЕЛЕФОНИМИЗ: 116-33-29.

®/2063

**Подшипниклар бўйича минтақавий Агентлик**

«АНДИЖОНЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЬ» ОАЖ расмий вакили

ишлаб чиқарувчи корхона нархлари бўйича, кенг ассортиментда, жумладан, сериялари 13516 дан - 13540 гача, 13614 дан - 13656 гача бўлган

**ПОДШИПНИКЛАРНИ**

шунингдек,

**ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛЛАРНИ**

сотади.

Тел./факс: 152-15-55.

E-mail:tapp@e-pool.eanetways.com.

®/1984



## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**1999 йил кундузги ва сиртқи бўлим аспирантурага кириш учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

**Кундузги бўлим:**

| | | |
|---|---|---|
| 07.00.03 | Умумий тарих | - 3 ўрин |
| 08.00.11 | Хорижий мамлакатлар иқтисоди | - 1 ўрин |
| 10.01.06 | Осиё, Африка, чет эл халқлари адабиёти | - 4 ўрин |
| 10.01.11 | Матншунослик, манбашунослик | - 2 ўрин |
| 10.02.08 | Эроний тиллар | - 2 ўрин |
| 10.02.19 | Тилшунослик назарияси | - 2 ўрин |
| 10.02.22 | Осиё, Африка халқлари, Америка ва Австралия абориген тиллари | - 2 ўрин |
| 23.00.04 | Халқаро система, умумий ривожланиш, сиёсий муаммолар | - 2 ўрин |

**Сиртқи бўлим:**

| | | |
|---|---|---|
| 08.00.11 | Хорижий мамлакатлар иқтисоди | - 1 ўрин |
| 10.02.19 | Тилшунослик назарияси | - 2 ўрин |

*Ҳужжатлар 10 сентябрдан 10 октябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади.*

**Тошкент шаҳри, Лоҳутий кўчаси, 25, 2 қават, 210-хона.**

®/2120


**«Ўзавтодарётранс» агентлиги томонидан «ЧТЭО-АВТО» уюшмаси орқали «КамАЗ-5320» маркали, давлат белгиси 16 В 4096 бўлган автомобилга халқаро юк ташиш ҳуқуқини берувчи АТ № 0014093 рақамли лицензия варақаси ва шаҳар атрофи ва шаҳарлараро юк ташиш ҳуқуқини берувчи АТ № 0188491 рақамли лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Котибияти ва касаба уюшмаси қўмитаси Котибият масъул ходими А. Ҳасанбоевга отаси

**Ҳасан ОТАҚУЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоаси немис тили фонетика ва фонология кафедраси мудири, доцент

**Усмонжон КАРИМОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия билдиради.

«Агрокимётаҳлил» аудиторлик фирмаси жамоаси фирма директори Иззатулло Қозоқовга акаси

**Раҳматулло МАВЛОНОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитаси жамоаси қўмита раиси Баҳодир Жумаевга укаси

**Маъруф ЖУМАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат юридик институти ректорати ва жамоаси институт доценти Фозил Отахўжаевга турмуш ўртоғи

**Марғубжамол ОТАХЎЖАЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси марказий ва шаҳар қўмиталари «Алгоритм» ОТАЖ касаба уюшма қўмита раиси Йўлчибой Раҳимжоновга волидаи муҳтарамаси

**РАШИДА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


## Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар, республикамизнинг барча фуқаролари!

Gallabank

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АКЦИЯДОРЛИК - ТИЖОРАТ БАНКИ**

# «ҒАЛЛА-БАНК»

**Ватанимиз истиқлолининг 8 йиллик байрами билан республикамизнинг барча аҳолисини чин дилдан табриклайди.**

*Халқимизга байрам туҳфаси сифатида қуйидаги омонатлар учун ўзгартирилган янги фоизлар ўрнатилганлигини маълум қилади:*

- **3** ойга **10 фоиз** миқдорида;
- **6** ойга **21 фоиз** миқдорида;
- **9** ойга **32 фоиз** миқдорида;
- **1** йил муддатга **40 фоиз** миқдорида;

***Омонатлар «Ғаллабанк» нинг мавжуд филиали ва бўлимларида қабул қилинади.***

***Ўз маблағини кўпайтириш истагини билдирган барча сармоядорларни «Ғаллабанк» хизматидан фойдаланишга таклиф этамиз.***

***Шу билан биргаликда,***

***РИАТБ «Ғаллабанк» акцияларининг V эмиссиясининг жойлаштирилиши давом этаётганлигини маълум қиламиз.***

***Шошилинг, акциялар сони чекланган!***

***«Ғаллабанк» акциялари оилангиз ва фарзандларингизнинг бахтли келажагини кафолатлайди!***

*Омонатларни жойлаштириш ва акцияларни сотиб олиш бўйича Сизни қизиқтирган масалаларга доир маълумотларни вилоят филиалларидан ва Бош банкнинг қуйидаги телефонлари орқали билиб олишингиз мумкин:*

**133-71-72, 136-38-29, 136-16-17.**

**РИАТБ "Ғаллабанк бошқаруви"**

2115



«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65;
*Қишлоқ хўжалиги* — 136-37-85
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60, 132-10-65;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0726, 23709 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ.
Навбатчи — Ф. УСМОНОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 02.40*
1 2 3 4 5 6